O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 26 март, № 59 (4974) Жума

**Бирлашган Араб Амирликлари пойтахти Абу Даби шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" номли асари араб тилидаги нашрининг тақдимоти бўлиб ўтди.**

## АРАБ АМИРЛИКЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТИ

Тақдимот дунёнинг 60 дан зиёд давлатидан 800 га яқинноширлар иштирок этган XX Абу Даби китоб ярмаркаси доирасида ўтказилди. Қатнашчилар сони ва даражасига кўра, ярмарка энг нуфузли ва ихтисослаштирилган халқаро форумлардан бирига айланди.

Маҳаллий ва хорижий китобхонларнинг мамлакатимиз ноширлик фаолияти билан бевосита танишишлари учун қулай имконият яратилган китоб ярмаркасида биринчи марта юртимизнинг "Ўзбекистон", "Шарқ", "Маънавият" каби нашриётлари ҳам ўз маҳсулотлари билан қатнашишди.

Тадбир чоғида Абу Даби китоб ярмаркаси ташкилий қўмитаси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Кувайтдаги Мусаид Бадр ал-Сайир номли нашриётида араб тилида чоп этилган "Юксак маънавият — енгилмас куч" номли китобининг тақдимоти ўтказилди.

### Дунё нигоҳи

Тақдимот маросимида ярмаркада ҳозир бўлган араб мамлакатларининг адабиёт, ноширлик ва маънавият соҳалари вакиллари ҳамда Бирлашган Араб Амирликларининг оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

**Китоб ярмаркаси ташкилий қўмитаси аъзоси Абдураззоқ ал-Ҳумайрий** Ўзбекистонга бир неча марта боргани ва мамлакатнинг турли соҳаларда эришган муваффақиятлари, шу билан бирга, ўзбек халқининг маънавий меросни авайлаб-асрашга бўлган хайрихоҳлик муносабати билан бевосита танишишга муяссар бўлганини қайд этди. Унинг таъкидлашига кўра, икки мамлакат халқларининг тарихий ва диний жиҳатдан яқинлиги, маънавият борасидаги қарашларининг бири-бирига мослиги туфайли Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг асари араб дунёсида жуда катта қизиқиш билан қарши олинди.

**Абу Даби амирлигидаги нашр маҳсулотларини тарқатиш муассасаси раҳбари Муҳаммад Амин,** жумладан, қуйидаги мулоҳазаларни билдирди:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобида ҳамма даврларда инсониятнинг улкан бойлиги саналиб келган маънавиятнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ҳар томонлама — ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан очиб берилган.

Ушбу асарда бугунги даврнинг маънавият соҳасида юзага келган глобаллашув, халқнинг маънавиятини асраш ва кўтариш, айниқса, ёш авлоднинг онгини турли салбий ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш каби энг долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

**Суданлик ношир Сайд Салим**нинг қайд этишича, "Биринчи галда, китобнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" дея номланиши эътиборни жалб этади. Ушбу мазмунга бой бўлган ифоданинг моҳияти асарда теран таҳлил асосида ўз аксини топган. Китобда баён этилган умуминсоний маънавий қадриятларнинг, илм-фан ва Ватанга муҳаббат туйғусининг мамлакат ривожида тутган ўрни ҳақидаги мулоҳазалар диққатга сазовордир. Мазкур асар, шубҳасиз, инсониятнинг маънавий тараққиётига, миллий ўзликни англаш ва қадриятларни ҳис этишига улкан ҳисса қўшади".

**Ал-Хоразмий номидаги халқаро коллеж (БАА) декани Сами ал-Кусайюжи:**

— Глобаллашувнинг ижобий жиҳатлари ва ахборот технологияларининг ривожланиши билан бир қаторда, бугунги кунда ёш авлод тарбиясига салбий таъсир этадиган кўплаб омиллар кузатилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" номли асарининг араб тилида нашр этилиши биз ва фарзандларимиз учун айнан шу даврда долзарб аҳамиятга эгадир. Агар Ўзбекистоннинг кўплаб олимлари тарихий даврларда бизнинг фанимиз, динимиз ва мафкурамиз ривожига улкан ҳисса қўшишган бўлса, ушбу асар фарзандларимизни тарбиялаш ва бугунги кун хавф-хатарларини бартараф этишда муҳим ўрин тутади.

Тақдимот маросими БАА оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

Жумладан, **"Ал-Иттиҳод"** газетасида "Ўзбекистон Президенти асарининг тақдимоти" сарлавҳали мақола эълон қилиниб, унда мазкур китобда ёш авлодга таълим-тарбия беришда юксак маънавиятнинг ўрни илмий ва назарий жиҳатдан теран таҳлил этилгани таъкидланади.

**"Ал-Халиж"** газетасида эълон қилинган мақолада эса, "Асар муаллифи сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий омиллар билан бирга, жамиятнинг тараққий этишида юксак маънавият биринчи даражали аҳамият касб этишини илмий ва назарий нуқтаи назардан очиб беради", дейилади. Шу билан бирга, унда қайд этиладики, бугунги кун олдида турган турли хавф-хатарларни бартараф этиш учун Ўзбекистон Президенти миллий қадриятларни, анъана ва урф-одатларни сақлаш, маънавий покланиш, эзгулик сари интилиш зарурлиги ҳақидаги мулоҳазани илгари суради. У, шунингдек, муқаддас ислом динимизнинг софлигини асраш, уни турли ғаразли хуружлар ва бўҳтонлардан ҳимоялашга, исломнинг ҳақиқий моҳиятини ёшларга етказиб бериш ва ислом тамаддунини янада кенгроқ ёритишга даъват этади.

**«Жаҳон» АА.**
Абу Даби

---

Бадиий гимнастика:

# ЛОБАР ҚИЗЛАР — СОҒЛОМ ҚИЗЛАР

### Саналар, рақамлар, маълумотлар

Гимнастиканинг барча турларини қамраб олган Халқаро гимнастика федерацияси (International Federation of Gymnastics — IFG) 1881 йил 23 июлда Бельгиянинг Льеж шаҳрида тузилган. Уч мамлакат — Бельгия, Франция ва Нидерландия иштирокида ташкил этилган федерация дастлаб Европа гимнастика федерацияси деб номланган.

Ҳозирги кунда Халқаро гимнастика федерацияси байроғи остида гимнастиканинг олти йўналиши — спорт гимнастикаси, бадиий гимнастика, спорт аэробикаси, спорт акробатикаси, батутда сакраш (трамполин) ва умумий гимнастика бўйича мусобақалар ўтказилади.

Гимнастика 1896 йилдан эътиборан Олимпия ўйинлари таркибига киритилган. Бадиий гимнастика эса бундай шарафни 1984 йилда қўлга киритган. У бошқа йўналишлардан фарқли ўлароқ, мусиқа жўрлигида, гимнастик ва рақс ҳаракатлари уйғунлигида арғамчи, ҳалқа, тўп ёки тасма ёрдамида бажарилади.

Яккалик баҳсларида бу предметлардан биттаси қўлланилса, жамоавий чиқишларда ё бир вақтнинг ўзида икки предмет (масалан, ҳалқа ва тўп) ё беш спортчининг барчаси бир хилдаги беш предметдан фойдаланади. Мусобақа ғолиби кўп курашда аниқланади.

(Давоми 2-бетда).

2010 йил — Баркамол авлод йили



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

---

### Тадбир

## МИСР МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

***Пойтахтимизда Миср маданияти кунлари бошланди. Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Миср Араб Республикасининг юртимиздаги элчихонаси ҳамда Миср маданият маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.***

Миллий санъат марказида бўлиб ўтган тадбирнинг очилиш маросимида Ўзбекистоннинг қатор вазирлик ва идоралари, жамоат ташкилотлари, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари, ўқитувчилар, талаба-ёшлар, мисрлик санъат намояндалари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг ўринбосари Б. Аҳмедов мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳалар сингари маданият жабҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Хусусан, Президентимиз Ислом Каримовнинг 2007 йилнинг апрель ойида Мисрга расмий ташрифи ўзаро муносабатларни янги поғонага олиб чиқди.

(Давоми 2-бетда).

---

***Юртбошимизнинг матбуотда эълон қилинган "Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 65 йиллиги нишонланиши муносабати билан 1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони биз, кексаларни бениҳоя қувонтирди.***

## ЭҲТИРОМ ВА ЭЪЗОЗДАН БЕҲАД МИННАТДОРМИЗ

Ушбу юксак ғамхўрлик мамлакатимиздаги минглаб уруш фахрийлари қатори бугун фарзанду набиралари камолини кўриб, қарилик гаштини сураётган 730 нафар наманганлик сафдошимизнинг ҳам кўнглини тоғдек кўтаргани аниқ. Зеро, юртимизда нуроний кексаларни эъзозлашдек савобли юмуш шахсан Президентимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Айниқса, ёши улуғларга эҳтиром кўрсатишдек эзгу хислатдан ёш авлод вакиллари ибрат олиб улғаяётгани ҳаммасидан ҳам қувонарлидир.

### Шукрона

Ҳаётда кўпни кўрган инсонлар, бошидан минг машаққатларни ўтказган биз каби уруш ва меҳнат фахрийлари айни дамдаги тинч-осойишта, фаровон кунларда умргузаронлик қилмоқ нақадар бебаҳо бахт эканлигини яхши биламиз. Инсон шаъни, қадр-қиммати ва манфаатлари ҳар недан устун саналган юртда, эзгу ниятлар ила амалга оширилаётган улуғ ишларга гувоҳ бўлиб яшаётганимиздан бошимиз осмонда. Қолаверса, келажак авлоднинг фаровон ҳаёти учун курашган жасорат соҳибларига алоҳида иззат-икром, ғамхўрлик кўрсатилаётгани кўнглимизни тоғдек кўтаради. Биз каби кексалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож ногиронларнинг турар жой шароитларимизни яхшилаш, саломатлигимизни мустаҳкамлашга ҳукумат миқёсида эътибор қаратилаётгани, маҳалла-кўй, қариндош-уруғу фарзандларимизнинг самимий меҳри, ардоғида эканлигимиз учун ҳам Яратганга шукроналар айтамиз.

Куни кеча Наманган шаҳрида барпо этилаётган "Хотира хиёбони"нинг қурилиш майдонини бориб кўрдим ва кўнглим ёруғ ниятлардан ёришди. Эшитишимча, бу масканда бунёд бўлажак айвондаги рамзий китобга урушдан қайтмаган 37 минг ҳамюртимизнинг номи мангу муҳрланар экан. Зеро, ушбу хиёбон биздан кейинги авлодларга халқимизнинг жасурлик, ватанпарварлик, юртга садоқат хислатларидан ҳикоя қилиб, қалбларни эзгуликка ундовчи қутлуғ зиёратгоҳга айланади. Шундай улуғ ташаббуслар бошида туриб, ҳаётда яхши ном, ўчмас из қолдираётганлар ҳамиша омон бўлишсин.

**Низомхон САТТОРОВ,**
**Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси.**
Наманган шаҳри

---

## ЎЗБЕКИСТОНДА ИНТЕРНЕТ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

***Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида "Ўзбекистонда Интернетнинг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари таҳлили" ахборот-таҳлилий ҳисоботининг тақдимоти бўлиб ўтди. Унда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида иш олиб бораётган давлат ва хусусий тузилмалар мутахассислари ҳамда экспертлари иштирок этди.***

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари А. Эшонхўжаев мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ижтимоий-иқтисодий соҳада, жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 30 майда қабул қилинган "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги Фармонида ахборот маконини шакллантириш масаласи акс эттирилган бўлиб, 2002 — 2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди ва амалиётга изчиллик билан жорий этилмоқда.

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси мамлакатимизда биринчи даражали Интернет тармоғининг ягона миллий провайдери ҳисобланади. У мамлакатимиздаги бошқа барча провайдерларга глобал тармоқдан Халқаро пакетли коммутация маркази орқали фойдаланиш имконини яратади. Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг миллий моделида ислоҳотларни қўллаб-қувватлашда давлат алоҳида ўрин тутиши белгиланган.

Президент Ислом Каримовнинг 2005 йил 8 июлда қабул қилинган "Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган 2010 йилгача телекоммуникациялар, маълумотлар узатиш тармоқлари ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллашни ривожлантиришнинг мақсадли йўналишлари мамлакатимизда АКТни ривожлантиришнинг асосий режаси ҳисобланади. Унга биноан, 2010 йилнинг охиригача ўрнатилган АТСлар қамрови мамлакат бўйича 100 фоиз рақамлаштирилган 2 миллионта рақамдан ошиши, оптик толали алоқа линиялари ва рақамли радиорелейли линияларнинг умумий узунлиги 9680 километрга етиши лозим.

(Давоми 2-бетда).

---

***Германия пойтахтида баҳор байрами — Наврўзга бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Тадбир Берлиндаги Лихтенберг маданият уюшмаси томонидан мамлакатимизнинг ГФРдаги дипломатия ваколатхонаси кўмагида ташкил этилди.***

## БЕРЛИНДА НАВРЎЗ ШОДИЁНАЛАРИ

Тантанали маросимни Лихтенберг маданият уюшмаси директори А. Клугель очиб, кечада ўзбек халқининг севимли Наврўз байрами муносабати билан Ўзбекистоннинг бой ва қадимий ноёб маданияти билан танишиш имконияти юзага келганини қайд этди. У мамлакатларимиз ўртасида нафақат сиёсий ва иқтисодий соҳаларда, балки маданият йўналишида ҳам икки томонлама алоқалар ривожланаётганини алоҳида таъкидлади.

### Биз ва жаҳон

Кеча меҳмонларига мамлакатимиз тараққиётининг муҳим асосларидан бири саналган, кўп асрлар давомида яратилган бебаҳо маданий мероснинг тикланиши ва уни авайлаб-асрашга бўлган эътибор ҳақида батафсил маълумот берилди.

Байрам кечаси доирасида ўзбек санъати усталари ҳамда миллий рақсимизнинг истеъдодли ижрочилари иштирокидаги мусиқий маданий дастур, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Бадиий жамоалар бирлашмаси ҳузуридаги "Сайқал" гуруҳининг чиқишлари ўзбек санъатининг мухлислари бўлган немис миллати вакилларини ўзига ром этди.

— Ушбу тадбирда иштирок этганимиздан жуда хурсандмиз, — дейди А. Клугель. — Бугун биз Наврўз байрами — Шарқнинг бебаҳо мероси билан танишдик. Шу билан бирга, ўзбек халқининг бетакрор маданияти, куй-қўшиқлари ва ноёб пазандалик санъатига гувоҳ бўлдик. Аминманки, бу ердаги кўринишлар ўзбек халқи эга бўлган бой маданиятнинг бир қисми, холос.

(Давоми 2-бетда).

---

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

## САЛМОҚЛИ ЮТУҚЛАР, ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАР

***Сўнгги уч йил мобайнида***

**1 минг 464 нафар истеъдодли спортчи ёшларимиз халқаро мусобақаларда зафар қозондилар.**

Ҳолбуки, бундан 15-20 йил олдин халқаро мусобақаларда ўзларини кўрсата олган спортчиларимиз бармоқ билан санарли эди. Истиқлол даврида спорт соҳасида эришаётган ғоятда улкан ютуқларимиз эса Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда ҳар тарафлама етук, баркамол янги авлодни тарбиялаб етиштириш иши, хусусан, спорт ва унинг турларини энг юксак замонавий талаблар асосида ривожлантириш давлат миқёсидаги устувор вазифалар даражасига кўтарилганлиги туфайлидир.



**Мамлакатимизда инсон саломатлигини ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий муҳофаза қилиш, жамиятнинг барча жабҳаларида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш учун қулай шарт-шароитлар мавжуд. Хусусан, яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қабул қилинган ва маъқуллаш учун Олий Мажлис Сенатига юборилган "Ўзбекистон Республикаси аҳолиси орасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ана шу нуқтаи назардан муҳим аҳамиятга эгадир.**

# АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ — УСТУВОР ВАЗИФА

Аввало, қайд этиш жоизки, ушбу Қонун Президентимизнинг 2009 йил 1 июлдаги "2009 — 2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарори асосида ишлаб чиқилган. Микронутриентлар бу — озиқ-овқатлар таркибида бўладиган ва шу орқали инсон организмига ўтадиган энг зарур витаминлар ва микроэлементлар ҳисобланади. Микронутриентлар танқислиги натижасида кўп ҳолатда инсонлар турли хасталикларга чалинади. Унинг тақчиллиги жуда катта ижтимоий-иқтисодий зарарларни, яъни оналар ва болалар орасида касаллик ҳамда ўлимнинг ошиши, болалар ва ёшларнинг интеллектуал салоҳияти ҳамда катта ёшдаги аҳолининг иш қобилияти пасайиши кабиларни келтириб чиқариши билан хавфлидир. Шу боис мамлакатимизда микронутриентлар етишмаслиги профилактикаси бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, озиқ-овқат маҳсулотларини бойитиш микронутриент етишмаслиги профилактикасининг энг тежамли, хавфсиз, фойдаланишга қулай ва узоқ муддатли усули ҳисобланади. Ҳозирда жаҳоннинг 57 та мамлакатида озиқ-овқат маҳсулотларини фортификация қилиш тўғрисидаги қонунлар қабул қилинган ва бу, таъкидлаш керак, микронутриентлар етишмаслиги профилактикаси барқарорлигини таъминлаётир. Қолаверса, ушбу мамлакатларда маҳсулотлар бойитилганлиги туфайли микронутриент етишмаслиги профилактикасида анча ютуқларга ва ижтимоий-иқтисодий соҳада, оналар ва болалар соғлиғи кўрсаткичлари яхшиланишида ижобий натижаларга ҳам эришилмоқда.

Шу жумладан, юртимизда асосий озиқ-овқатлардан бирини, табиийки, нон маҳсулотлари ташкил этади. Қолаверса, буғдойда инсон саломатлиги учун муҳим бўлган кўплаб витамин ва микроэлементлар мавжуд. Бу илмий тадқиқотларда ўз тасдиғини топган. Хусусан, оналар ва болалар орасида озиқ-овқат маҳсулотларини бойитиш стратегияси самарадорлигини баҳолаш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказилганда, ушбу тадқиқотлар бир йил мобайнида бойитилган хамир маҳсулотларини мунтазам истеъмол қилиш анемия даражасини 5-7 фоизга пасайтириш мумкинлигини кўрсатди.

**Парламент ҳаёти**

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг "Унни фортификация қилиш бўйича миллий дастур" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада бажарилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб берди. Ва унинг ижроси, айтиш жоизки, 2005 — 2009 йиллар давомида изчил таъминланди. Хусусан, "Ўздонмаҳсулот" компаниясининг деярли барча комбинатларида унни бойитиш ишлари муваффақиятли олиб борилди. Унни фортификация қилиш бўйича Миллий дастур доирасида амалга оширилган кенг кўламли ишлар натижасида туғиш ёшидаги аёллар орасида анемия даражасининг 59 фоиздан 33,5 фоизгача камайиши ҳамда оналар, болалар касаллиги ва ўлимининг пасайиши қайд этилди.

Шу боис Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Ўзбекистон Республикаси аҳолиси орасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида"ги Қонун бу борада эришилган натижалар барқарорлигини мустаҳкамлаш учун қабул қилинди. Мазкур ҳужжат 4 боб ва 18 моддадан иборат бўлиб, республика аҳолиси орасида микронутриент етишмаслиги профилактикасини амалга ошириш самарадорлигини юксалтиришга, озиқ-овқат маҳсулотлари бойитилишини таъминлашга, шунингдек, фуқаролар орасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси борасидаги тадбирларни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўйича давлат тизимини ташкил этишга йўналтирилгандир.

Қонунда аҳоли орасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси соҳасида бошқарувни амалга ошираётган давлат органларининг тизими аниқ кўрсатилган, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва идораларнинг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари белгиланган. Шу билан бирга, ушбу ҳужжатда микронутриентлар билан бойитилиши (фортификация қилиниши) керак бўлган озиқ-овқат маҳсулотларининг рўйхатини Вазирлар Маҳкамаси белгилаши, озиқ-овқат маҳсулотларини бойитиш (фортификация қилиш) учун зарур микронутриентлар ва уларнинг нормалари, бойитилган озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, аҳоли орасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари бажарилиши устидан давлат назорати ва текшируви вазирликлар ҳамда идоралар томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Мухтасар қилиб айтганда, мазкур Қонун озиқ-овқат маҳсулотлари барқарор бойитилишини ва микронутриент етишмаслиги профилактикасининг бошқа чора-тадбирларини таъминлайди.

Бу эса, ўз навбатида, микронутриент етишмаслиги келтириб чиқарадиган касалликлар ҳамда ўлимнинг камайиши ҳисобига оналар ва болалар соғлиғини яхшилаш имконини беради. Қолаверса, Баркамол авлод йилида ўсиб келаётган фарзандларимизнинг соғлом улғайишини таъминлаш ҳамда 2009 — 2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирларининг изчил амалга оширилишига ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

**Жамила НИЯЗОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ЎЗБЕКИСТОНДА ИНТЕРНЕТ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

АКТ соҳасига инновацияларни жорий этиш, улардан унумли фойдаланиш корхоналарда бошқарув ва технологик жараёнлар самарадорлигини ошириш, иқтисодиётнинг турли жабҳаларида янги товарлар ҳамда хизматлар бозорларини ташкил этиш, мавжудларини кенгайтиришга ёрдам беради.

Телекоммуникациялар хизмати глобал Интернет тармоғи билан тобора чамбарчас боғланиб бормоқда, тармоқдан фойдаланиш эса одамлар ўртасида фаол ахборот ва билимлар алмашиш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, билимларга асосланган жамиятни шакллантиришга хизмат қилади. Демак, телекоммуникациялар хизматлари, жумладан, Интернет тармоғини ривожлантириш Ўзбекистоннинг глобал ижтимоий-иқтисодий ҳамжамиятга муваффақиятли интеграциялашуви ва аҳоли турмуш даражасини оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистонда ушбу тармоқ ривожланишини акс эттириш учун БМТ Тараққиёт дастурининг "Ўзбекистонни ривожлантириш учун АКТ сиёсатини шакллантириш ва жорий этишда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига кўмаклашиш" лойиҳаси томонидан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, "UNICOM.UZ" илмий-техник ва маркетинг тадқиқотлари маркази, "CIB GROUP" масъулияти чекланган жамияти кўмагида "Ўзбекистонда Интернетнинг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари таҳлили" ҳисоботи тайёрланди. Мазкур тадқиқотдан кўзланган мақсад Ўзбекистонда Интернетни ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати, уни янада тараққий эттиришнинг асосий омиллари ва истиқболларининг сифат ҳамда сон кўрсаткичларини баҳолаш ҳисобланади.

"Ўзбекистонда Интернетнинг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари таҳлили" ахборот-таҳлилий ҳисоботи Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий статистика ахбороти таҳлили, шунингдек, бошқарув органлари раҳбарларининг интервьюлари, бозорнинг профессионал иштирокчиларининг глобал ахборот тармоғининг бугунги аҳволи, уни ривожлантириш истиқболлари ҳақидаги фикрлари асосида тайёрланди. Ҳисоботда Интернет тармоғидан фойдаланиш бозорини такомиллаштиришнинг фойдаланувчилар сонининг кўпайиши, янги хизматларни жорий этиш, миллий ахборот ресурсларини ривожлантириш, тармоқдан фойдаланиш нархини камайтириш каби ижобий тенденциялари қайд этилган.

Масалан, бугун Ўзбекистонда Интернетдан фойдаланувчилар умумий сони 2,7 миллион кишидан ошди. Мамлакатда Интернет хизматлари ва маълумотлар узатиш тармоқлари провайдерлари ҳамда операторлари сони 921 тани ташкил қилади, глобал тармоқдан оммавий фойдаланиш пунктлари умумий сони 963 тага етди. Бу йил Интернет тармоғидан кенг фойдаланаётган мижозлар улуши икки баравардан ошди ва бугун 69 мингдан ортиқ абонентни ташкил этади. Сўровда қатнашган провайдерларнинг аксарияти (73 фоизи) ўқув ахборотини кенгайтириш Интернет-ресурсларни ривожлантиришда устувор ўрин тутиши лозим, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистонда мобиль Интернет ҳам жадал ривожланмоқда. У жаҳон тенденциясига амал қилган ҳолда, аста-секин оммалашиб бормоқда ва айрим ҳолларда ушбу глобал тармоқдан симли фойдаланишнинг муқобилига айланмоқда. Янги технологияларнинг пайдо бўлаётгани (WiMAX), Интернетга уланишга ёрдам берадиган стандартлар ва технологиялар билан таъминланган уяли телефонлардан фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги ва мобиль алоқа операторларининг даромад манбаларини табақалаштиришга интилиши бошқа мамлакатлардаги сингари Ўзбекистонда ҳам мобиль Интернет ривожланишининг омиллари ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистонда мобиль Интернет хизматлари барча мобиль алоқа операторлари томонидан тақдим этилмоқда.

Шу билан бирга, ҳисоботда бозор иштирокчиларининг мавжуд камчиликлар тўғрисидаги фикрлари умумлаштирилган ва уларни бартараф этишга доир тавсиялар берилган.

**В. НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# МИСР МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Дарҳақиқат, Ўзбекистон билан Миср ўртасида маданият ва санъат, илм-фан ва таълим соҳаларидаги алоқалар изчил ривожланмоқда. Маданият ва санъат жамоаларининг ўзаро гастроллари ташкил қилинмоқда, мисрлик санъаткорлар "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида фаол қатнашиб келмоқда.

— Халқларимиз ўртасидаги илмий-маърифий алоқалар тарихи узоқ асрларга бориб тақалади, — деди Миср маданият маркази директори Аҳмад Ражаб Ризқ. — Ўзбекистон заминида етишиб чиққан буюк алломаларнинг кашфиётлари, бой илмий мероси эҳромлар юртида ҳам маълум ва машҳурдир. Мамлакатингиз мустақилликка эришгач, бошқа йўналишлар қатори маданият соҳаси ҳам изчил ривожланди. Маданий жабҳанинг жадал юксалишига, айниқса, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси катта ҳисса қўшаётир. Миср маданияти кунлари мамлакатларимиз ўртасидаги ривожланиб бораётган алоқаларнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

29 мартга қадар давом этадиган Миср маданияти кунлари ранг-баранг ва қизиқарли тадбирларга бой. Тадбир давомида пойтахтимиздаги кўргазма заллари, маърифат масканлари, олий таълим муассасалари ва истироҳат боғларида мисрлик ижодкорларнинг рассомлик, хаттотлик кўргазмалари, давра суҳбатлари, ижодий учрашувлар, анжуманлар, кўрик-танловлар бўлиб ўтади.

Маданият кунларининг очилишида Мисрнинг "Нил" фольклор ансамбли ҳамда Ўзбекистон санъат усталарининг концерти бўлиб ўтди. Икки халқнинг мумтоз наволари, замонавий мусиқа ва рақслари тадбир қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Тадбир доирасида "Миср — асрлар оша" кўргазмаси бўлиб ўтди.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# БУНЁДКОРЛИККА ЙЎНАЛТИРИЛГАН САРМОЯ

***Мамлакатимизда тадбиркорлик ҳаракати қўллаб-қувватланаётганлиги туфайли кичик бизнес субъектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар салмоғи йил сайин ортмоқда.***

**Изланиш**

Бу импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар улушини кўпайтириш, айниқса, аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлаяпти. Қўқон шаҳрида мазкур соҳада эришилаётган натижалар бунга яққол мисолдир.

Зироатхон Абдураҳимова — меҳнати билан элга танилган тадбиркорлардан бири. У ўтган йили Кўрпабоп маҳалласида бўш ётган бинони қайта таъмирлаб, "Ал-Ҳабиб текстиль Қўқон" хусусий корхонасини ташкил этди. Тикувчиликка ихтисослашган мазкур корхонани замонавий дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозлашда эса банк кредити қўл келди.

Бугунги кунда корхонада 85 нафар хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Улар томонидан ўтган йили 70 миллион сўмлик кийим-кечаклар тайёрланиб, ички бозорга чиқарилди.

Корхона қошида ёшлар учун касб-ҳунар ўргатиш маркази ҳам ташкил этилган. Айни пайтда бу ерда 150 нафар хотин-қиз тикувчиликнинг нозик сирларини қунт билан ўрганмоқда.

**СУРАТДА:** корхона фаолиятидан лавҳа.

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА)**
**олган сурат.**



# БЕРЛИНДА НАВРЎЗ ШОДИЁНАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Ўзбекистонликлар туфайли биз бугун Наврўз байрами билан танишдик ва унга яқинлашдик, — дейди маросимда қатнашган Томас Хенкел. — Ўйлайманки, бугунги байрам барчага бирдек маъқул бўлди. Тантаналарда ким иштирок этган бўлса, уларнинг барчаси бу ерда намойиш этилган маданий дастурдан ўзгача завқ олди. Мумтоз мусиқа, миллий рақс ва қўшиқлар бизда унутилмас таассуротлар қолдирди.

Кеча иштирокчилари эътиборига Наврўз байрами ҳақидаги маълумотлар ҳамда Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётига бағишланган ахборотлар кенг намойиш этилди.

**«Жаҳон» АА.**
Берлин

## Бадиий гимнастика:
# ЛОБАР ҚИЗЛАР — СОҒЛОМ ҚИЗЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бадиий гимнастика машқларининг мусиқа садолари остида бажарилишида ўзига хос гўзаллик мужассам. Илгари фақат фортепьяно ёки битта асбобда чалинган мусиқа ижро этилган бўлса, ҳозирда кўпроқ оркестр фонограммасидан фойдаланилади. Қайси мусиқани танлаш гимнастикачи ва унинг мураббийи ихтиёрида. Аммо уларнинг ҳеч қайсиси бир ярим дақиқадан ошмаслиги керак.

Мусобақалар 13х13 метр ўлчамли гимнастика гиламида ўтказилади. Спортчилар маҳорати 20 балли системада аниқланади. Нуфузли мусобақаларда гимнастикачиларнинг чиқишлари Халқаро гимнастика федерациясининг Бадиий гимнастика бўйича техник қўмитаси вакиллари раҳбарлигида тузилган ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланади. Қоидага кўра, ҳар бир спортчининг чиқиши тўрттадан ҳакамдан иборат учта бригада — жами ўн икки киши томонидан уч йўналиш — ижро маҳорати, артистизм ва машқнинг мураккаблиги бўйича баҳолаб борилади.

Бадиий гимнастика бўйича биринчи расмий халқаро мусобақа 1963 йил 7-8 декабрь кунлари Будапешт шаҳрида ўтказилган ва Европа кубоги деб номланган. Айни шу мусобақа кейинчалик биринчи жаҳон чемпионати, Людмила Савинкова (Россия) эса биринчи жаҳон чемпиони, деб эътироф этилган.

Бадиий гимнастиканинг Олимпия тарихи 1980 йилдан бошланади. Халқаро Олимпия қўмитасининг Москва шаҳрида бўлиб ўтган конгрессида бадиий гимнастикани Олимпия оиласига киритиш ҳақида қарор қабул қилинган. Олимпия ўйинларида бадиий гимнастика бўйича биринчи олтин медални 1984 йили Лос-Анжелесда Лори Фанг (Канада) қўлга киритган.

Бадиий гимнастиканинг бошқа йўналишлардан ажралиб турадиган жиҳати шундаки, бола 3-5 ёшидан бошлаб мунтазам машғулотга қатнаши лозим. Бу ёшда бола организми ҳаракат ўзгарувчанлиги, мувофиқлигини ривожлантиришга мойил бўлади. Гимнастикачининг энг асосий сифати — бу кучли ирода, эпчил ва нафис ҳаракатлар намойишидир. Шунинг учун бўлса керак, бу йўналишда спортчининг ташқи кўринишига қаттиқ талаб қўйилади. Бадиий гимнастика билан 14-16 ёшгача фаол шуғулланиш мумкин. Бадиий гимнастика спорт гимнастикасига нисбатан хавфсиз йўналиш саналади.

Бадиий гимнастика эпчил ва нозик ҳаракат қилишга, қатъий кун тартибига, тўғри овқатланишга ўргатади, ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлашга, тана ва қомат гўзаллигини таъминлашга хизмат қилади.

### Юксак эътибор самараси

Жорий йил февраль ойида Тошкентда бўлиб ўтган бадиий гимнастика бўйича Осиё чемпионати ва гимнастикачи қизларимиз эришган юксак натижалар бу спорт турига эътибор ва қизиқиш мамлакатимизда муттасил ошаётганидан далолат беради. Бу Президентимиз раҳнамолигида болалар спортини ривожлантириш, қизларнинг спорт билан шуғулланиши учун, айниқса, қишлоқларда тегишли шарт-шароит яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилганининг амалдаги самарасидир. Бугунги кунда пойтахтимиздан ташқари Бухоро, Навоий, Хоразм, Фарғона ва Тошкент вилоятларида ҳам гимнастика марказлари самарали фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистонлик гимнастика мутахассислари, мураббийлари ва ҳакамларининг малакаси ҳамда савиясини ошириш мақсадида пойтахтимизда Халқаро олимпия қўмитаси ва Халқаро гимнастика федерацияси билан ҳамкорликда семинар-тренинглар ўтказиш яхши йўлга қўйилган.

Бадиий гимнастика билан шуғулланаётган спортчиларимизнинг халқаро миқёсдаги кўрсаткичлари ўсиб бораётгани мухлису мутахассисларни хушнуд этмоқда. Ўтган йили Осиё чемпионатида ҳамюртларимиз жамоавий беллашувларда учинчи ўринни эгаллади. Ульяна Трофимова шахсий биринчиликда бир жуфт бронза медални қўлга киритди. Умидли спортчимиз Япониядаги жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштирок этиб, энг кучли ўн икки нафар гимнастикачи қаторидан жой олди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан тақдим этилган маълумотга кўра, 2009 йилги спорт мавсумида гимнастикачиларимиз турли халқаро мусобақаларда жами 39 та медаль қўлга киритган бўлса, шундан 15 таси олтин, 10 таси кумуш ва яна 14 таси бронза медалларидир.

2010 йилги спорт мавсумининг энг нуфузли мусобақаларидан бири ҳисобланган бадиий гимнастика бўйича Осиё чемпионатига Тошкент шаҳри мезбонлик қилгани ҳам ушбу спорт тури юртимизда тобора ривожланиб бораётганининг халқаро миқёсдаги эътирофидир.

Тўрт кун давом этган Осиё чемпионатида Сарвина Холиқова, Азиза Мамажонова ҳамда Ҳусниябону Ғуломова шахсий биринчилик беллашувларида, Зарина Қурбонова, Луиза Ғаниева, Вероника Угай, Ольга Кирьякова эса гуруҳ баҳсларида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Чемпионат иштирокчилари яккалик ва гуруҳ беллашувларида арғамчи, ҳалқа, тўп, тасмада машқ бажариш ва кўп кураш бўйича ўзаро беллашди.

### Қизлар учун мос, гўзалликка хос

Президентимиз раислигида ўтган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгаши йиғилишида алоҳида таъкидланганидек, спорт билан мусиқа чамбарчас боғлиқдир. Спорт танани пишитади, чиниқтиради, иродани мустаҳкамлайди, мусиқа — кўнгилни поклайди, руҳни тетиклаштиради. Бадиий гимнастика эса айнан мусиқа садолари жўрлигида бажариладиган нафис ҳаракатлардир.

"Соғлом она — соғлом бола" ғоясининг замирида, мазмун-моҳиятида ҳам айни шу жиҳатлар ўз аксини топган. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда бу вазифаларни ўзида мужассам этган дастур асосида кенг кўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилаётир. Замонавий спорт иншоотлари, тиббий ускуналар билан жиҳозланган диагностика, скрининг ва перинатал марказларини барпо қилиш асносида оналар ва болалар саломатлигини ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, соғлом она — соғлом бола, соғлом бола — соғлом келажак, демакдир.

Ана шу ҳаётий даъват, эзгу ғояга уйғун тарзда спортнинг энг нафис тури ҳисобланган, қизларнинг жисмоний тарбиясида муҳим ўрин тутадиган бадиий гимнастиканинг юртимизда кенг ривожланаётгани барчамизни қувонтиради.

**Озод РАЖАБОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

MIKROKREDITBANK

***Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. Бугун ушбу соҳа вакиллари мамлакатимиз иқтисодиётида етакчи кучга айланди, ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 50 фоизи улар томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Бу юртимизда Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб ана шу субъектларни янада ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келинаётгани самарасидир.***

## «Микрокредитбанк»:
# КИЧИК БИЗНЕСНИНГ МОЛИЯВИЙ КЎМАКЧИСИ

Дарҳақиқат, янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишда мазкур соҳа муҳим аҳамият касб этмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор шароитлари ҳамда истеъмолчилар талабларига тез мослаша олиши бунда муҳим омил бўлаётир.

Албатта, уларнинг муваффақиятли фаолият юритишларида банкларнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Бу борада, айниқса, соҳа вакилларини молиявий қўллаб-қувватлашга ихтисослашган “Микрокредитбанк” очиқ акциядорлик тижорат банки, хусусан, унинг Наманган вилояти филиали жамоаси томонидан амалга оширилаётган ишлар таҳсинга лойиқдир.

Гап шундаки, “Микрокредитбанк” мижозлар билан ишлашда ўзига хос йўналиш ва тажрибага эга. Аввало, бу ерда банк кредитларидан фойдаланишни истаганларни малакали ходимлар томонидан бепул ўқитиш йўлга қўйилгани бўлажак тадбиркорларда соҳа хусусида дастлабки тушунча ҳосил қилиш билан бирга, уларда ишонч туйғуларини уйғотмоқда. Шунингдек, қарз олувчи томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхатининг соддалаштирилгани, кредитнинг қайтарилишини таъминлаш мақсадида қабул қилинадиган таъминотда қимматли буюмларнинг олиниши, энг муҳими, кредит фоизларининг анчагина пастлиги мижозларга манзур бўлаяпти. Филиал томонидан ўтган йили 1126 та мижозга 4 миллиард 858,8 миллион сўмлик микромолиявий кўмак берилгани, ажратилган кредитларнинг 698,5 миллион сўми бошланғич сармояни шакллантиришга, 3 миллиард 493,1 миллион сўми айланма маблағни тўлдиришга йўналтирилиб, 667,3 миллион сўмлик микролизинг хизматлари кўрсатилгани бунга далил бўла олади. Натижада вилоятда қарийб 5 мингта янги иш ўрни ташкил этилди. Шу билан бирга, банк жамоаси фермерлик, оилавий бизнес ва касаначиликни ривожлантиришга, умуман, барча жабҳа вакилларини ўз маблағ ва хизматларидан баҳраманд этишга ҳаракат қилаётгани эътиборга сазовордир.

### Банк тизими

Банк билан ҳамкорлик қилиб, ўз фаолиятини ривожлантираётган мижозлардан бири — Мингбулоқ туманидаги “Гўлтепа” қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи тадбиркор Бунёд Мадаминов. У ўтган йили “Мусаффо замин саховати” хусусий корхонасига мазкур банкдан 14 миллион сўм миқдорида микрокредит олиб, иссиқхона ташкил этган эди. Ҳозир бу ерда меҳнат қилаётган ўнга яқин маҳаллий йигит-қиз томонидан гул ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ўстирилиб, маҳсулотлар пешма-пеш бозорга чиқарилаяпти.

— Тадбиркор бўлиш мақсадимни банк ходимларига билдирганимда, улар таклифимни бажонидил қабул қилишди, — дейди Бунёд Мадаминов. — Айниқса, Президентимизнинг 2008 йил 10 ноябрдаги “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мазмун-моҳиятини тушунтириб беришганида, бениҳоя мамнун бўлдим. Негаки, ушбу Фармонга биноан, банк томонидан бериладиган кредит ёки микролизинг хизматлари фоизлари сезиларли даражада туширилганки, у Юртбошимиз томонидан биз, тадбиркорларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

Чиндан ҳам, мазкур Фармонга мувофиқ, тадбиркорлик субъектларига бериладиган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридаги микросармоянинг йиллик фоизи 5 фоиздан 3 фоизга, айланма маблағларни тўлдириш учун энг кам иш ҳақининг 500 баробари миқдорида бериладиган микрокредит Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 100 фоизидан 50 фоизига, кичик бизнес субъектларига энг кам иш ҳақининг 2000 баробаригача миқдорда бериладиган лизинг хизматлари 7 фоиздан 5 фоизга камайтирилган бўлиб, буларнинг бари банк ва мижоз ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаяпти.

Филиал томонидан, шунингдек, ёш оилаларга истеъмол кредитлари ажратиш ҳамда тадбиркор аёлларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Натижада 2009 йилда 35 та оилага 97,1 миллион сўмлик истеъмол кредити берилган бўлса, 218 нафар хотин-қизга 418,8 миллион сўмлик имтиёзли микрокредит ажратилди.

Қисқа қилиб айтганда, “Микрокредитбанк” очиқ акциядорлик тижорат банкининг Наманган вилояти филиали жамоасининг саъй-ҳаракатлари туфайли кишиларда тадбиркорлик салоҳияти шаклланиб бораётир. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли бандлигини таъминлашга, турмуш фаровонлигини оширишга, қолаверса, вилоят иқтисодиётини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**






### Танлов

***Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ташаббуси билан Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази ҳамкорлигида анъанавий ўтказиб келинаётган “Солиқ билимлари — болаларга” кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.***

# «Солиқ билимлари — болаларга»

Танловни ўтказишдан асосий мақсад ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш, айниқса, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, солиқ соҳасидаги билимларини кенгайтиришдан иборатдир. Чунки кўрик-танловда иштирок этаётган ўқувчилар сони йил сайин кўпайиб, уларнинг солиқ саводхонлиги муттасил ошиб бораяпти. Буни Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари томонидан тайёрланган кўргазмали чиқишлар, солиқ тизимидаги янгиликлар ҳамда солиқларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини ўзида акс эттирган расм ва ҳикоялардан ҳам илғаш мумкин.

Ғолиблар “Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсати” мавзуидаги энг яхши иншо ҳамда “Солиқлар нимага тўланади ва нималарга сарфланади?” мавзуидаги компьютер синови орқали аниқланди.

Иккала номинация бўйича биринчи ўринни қўлга киритган Жаҳонгир Раҳматуллаев ва Бахтинур Муҳаммедов танловнинг республика босқичига йўлланма олдилар.

**Нодир СУВОНОВ.**


## «ALSKOM»
## СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

*Ўзбекистон халқини янгиланиш ва яшариш байрами*

# *Наврўзи олам*

*билан самимий муборакбод этади!*

*Муҳтарам ҳамюртлар, хонадонингизни тинчлик-хотиржамлик, дастурхонингизни кут-барака, қалбингизни қувонч ҳеч қачон тарк этмасин!*

*Айёмингиз қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар!*

293R/401


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ**

## ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

***қуйидаги кафедралар бўйича янги лавозимларга танлов эълон қилади:***

| | |
|---|---|
| **Кафедра мудири:** | Камер мусиқаси (1),<br>Мусиқий педагогика (1). |
| **Профессор:** | Мусиқа назарияси (1),<br>Анъанавий ижрочилик (1). |
| **Доцент:** | Мусиқа тарихи ва танқид (2),<br>Халқ чолғулари (1). |
| **Катта ўқитувчи:** | Умумий фортепьяно (1),<br>Хор дирижёрлиги (0,5). |
| **Ўқитувчи:** | Эстрада хонандалиги (1),<br>Мусиқа тарихи ва танқид (1) |

**Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Олмазор (собиқ Б. Зокиров) кўчаси, 1-уй, ходимлар бўлими.**
**Телефонлар: (8-371) 244-94-51, 244-95-09.**

294R/341

***“Ўзстандарт” агентлиги “Республика синов ва сертификатлаштириш маркази” давлат корхонаси устав фондини 195760370 сўм 67 тийиндан 171457218 сўм 34 тийинга камайтираётганини маълум қилади.***


**«ХАЛҚ СЎЗИ»га**
**ЭЪЛОНЛАР**
**ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**
**9.00 дан 18.00 гача**
**236-09-25**


O'ZBEKISTON SAVDO-SANOAT PALATASI

## Ҳурматли тадбиркорлар!

**Фаолиятингизга асоссиз аралашувлар ва қонуний ҳуқуқларингиз бузилиши ҳолатлари юзасидан ҳамда тадбиркорлик фаолияти ва бизнес муҳитини ривожлантиришга оид барча масалалар бўйича Ўзбекистон Савдо-саноат палатасига мурожаат қилинг.**

**Тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги барча тўсиқларни биргаликда бартараф этайлик!**

**Телефон рақамлари: (+99871) 150-60-06, 150-60-05, (8-800) 120-04-04 (ушбу хизмат бепул ва фақат шаҳар телефон тармоқлари орқали амалга оширилади), (+99893) 183-57-77 (18.00 дан кейин).**
**Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 6-уй.**
**E-mail: info@chamber.uz, callcenter@chamber.uz**
**web-site: www.chamber.uz**

262R/399

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси жамоаси “O`zbekiston” телерадиоканали” давлат унитар корхонасининг Хоразм вилояти бўйича мухбири Саломат Ражабовага волидаи муҳтарамаси **ШАРИФА аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети жамоаси Машинасозлик технологияси, жиҳозлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш кафедраси доценти Ў. Рўзиевга падари бузруквори, уруш қатнашчиси **РИЗОМУҲАММАД отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон халқ табобати академияси раёсати, “Шарқ табобати” журнали ва “Сирли табобат” газетаси таҳририятлари Академия раёсати аъзоси, профессор **Нортош ая ЎЛЖАБОЕВАнинг** вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.



*Инсон — табиат фарзанди, унинг жонли бир бўлаги, деймиз. Дарҳақиқат, шундай. Буни, айниқса, фасли навбаҳорда чуқурроқ ҳис этамиз. Негаки, табиатдаги уйғониш, яшариш ва янгиланиш айни шу дамда инсон қалбига кўчади. Қиш бўйи толиққан вужудимиз кўклам насимидан баҳра олиб яйрайди, заминдан қувватланади. Шу боис чор-атрофни яшил гилам қоплаган айни кезларда кўнглимиз кенгликлар томон ошиқади. Пурвиқор қир-адирлар бизни бағрига чорлайверади.*

*Кўклам инсонлар қалбида яратувчанлик, бунёдкорлик ҳисларини жўш урдиради. Боғбонлар қўлига токқайчи тутса, ёшлар белкурак ушлайди. Деҳқон даласига отланади. Уларнинг ғайрати билан ниҳоллар ўтказилади. Шу тариқа ҳар баҳорда янги боғларга асос солинади. Шаҳару қишлоқлар яшилликка бурканади. Нафосат фаслида табиат бор тароватини намоён этади. Ёрига пешвоз чиқаётган келинчакдек пардозланиб, борлиқни гўзалликка чулғайди. Шунинг баробарида бизларни жамики неъматларни қадрлашга, атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашга ундайди.*

**Жарқўрғон туманининг Намуна қишлоғида яшайдиган Тошпўлат Шомирзаев толни одамнинг дардини сезадиган, унга меҳрибонлик қилувчи дарахт сифатида алоҳида эъзозлайди. Азбаройи, толга меҳри тушгани учун, унинг новдаларидан уй қуради. Тол ёғочидан қошиқ, чўмич, лаган, коса йўнади. “Тол табоқнинг бошқа лаганлардан нима афзаллиги бор?” деган саволингизга жавобан, бир мириқиб гурунг берадики, эшитиб тўймайсиз.**

# Мўъжизакор ва шифобахш

— Овқатга ишлатиладиган ёғларнинг таркибида танамизга сингмайдиган унсурлар бор, — дейди у. — Тол лаган ўзида ўшаларни ушлаб қолади, сингдиради. Тол қошиқ лабни куйдирмайди. Таомга хуш таъм бағишлайди. Тўй қозонларига эса дастаси узун тол чўмичлар асқотади.

Толдан ясалган кетмондаста қўлни қабартирмайди. Кафти терлайдиган кишиларга, айниқса, толдастали иш қуроли фойдали — терлашни даволаб, кафтларнинг қуруқ, қаттиқ бўлишига олиб келади. Қобиғи арчилмаган толдаста билан бел ва оёқ уқаланса, оғриқларга малҳам бўлади.

**Синоат**

Бу дарахтнинг сояси — жоннинг роҳати. Дарахт барглари жазирамани ўзига олади. Ҳаво дим бўлган паллада ҳам тол новдалари ҳаракатдан тўхтамайди. Шабада қўзғатади. Соясидагиларни елпиб туради. Толнинг шамоли нафас йўлларини очади. Нафас қисилишидан сақлайди.

Энди уста Тошпўлатнинг тол новдаларидан уй ясашини эшитинг. Бундай уйларни биз “ўтов” деймиз. “Қора уй”, гоҳида, “чўпонкапа”, деб атаймиз.

— Толдан ўтов ясаш осон иш эмас, — дейди уста. — Бу жараёнда мих ишлатилмайди. Уйнинг бирон қисми сувоқ ёки бошқа бир қоришма билан маҳкамланмайди. Тол ёғочлари фақат бирибиридан ўтказилиб, боғланади, кийгизилади, туташтирилади. Дастлаб керага ва чанқароқ айланаси ҳосил қилинади. Икки билак йўғонлигидаги тол дастасидан 360 даражали ҳалқалар ясалади. Эгиш пайтида синиб кетмаслиги учун дастакларга иссиқ буғ билан ишлов берилади. Сўнг керага билан чанқароқ ўрталиғи увиқлар ёрдамида туташтирилади. Увиқлар эса айланма дастакларга кизув (тол тасма) билан қотирилади.

Чанғароқ устида яримдоира шаклида қолдирилган ўтов томининг туйнуги кигиз билан ёпилади. Керага ўтовнинг айланма devори ҳам кигиз билан ўралади. Ўтовнинг тол ёғочи ёнган ўчоғига қўйилган сандалда исинсангиз-ку, бод, остеохондроз асоратларидан қутуласиз.

Тол дарахтининг сир-синоатларини ўзича кашф этган Т. Шомирзаевнинг касб-корини сўрасангиз, у молия ихтисослиги бўйича олий даргоҳни имтиёзли диплом билан битирган. Мансаб-мартабаси ҳам билим-иқтидорига яраша. Лекин устачилик, табиатга бўлган қизиқиши устун келди. Қирқ беш йилдирки, дурадгорлик, ҳунармандчилик билан шуғулланади. Бир туп толни кесишдан олдин ерга юзлаб, минглаб туп қаламча қадайди. Парвариш қилади. Ўзи ўстираётган дарахтлар билан гаплашиб, гурунглашиб, дардлашиб яшайди.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



*Баҳор мусаффолик, яшиллик, набoтот оламининг уйғониш фаслидир. Қиш бўйи саломатлик учун зарур бўлган витаминларни сарфлаб, кўкламга толиқиб чиққанимизда, у бизни қувватбахш неъматлари билан таъминлайди. Ана шундай дармондориларга бой ўсимликлардан бири — ялпиз.*

**Баҳор неъматлари**

# Ялпиз

Ялпиз қўҳна замонлардан бери нафақат зиравор, балки талайгина хасталиклар давоси сифатида қадрланади. Зеро, у таом ҳазмини яхшилайди, кишини тетиклаштиради.

Абу Али ибн Сино ялпиз билан ичак оғриқларини даволаган. Уни овқат ҳазмини мақбуллаштирувчи, гижжа ҳайдовчи, қон тўхтатувчи, қайд қилишни қолдирувчи табиий восита сифатида тавсия этган.

Халқ табобатида ялпиздан тайёрланган қайнатмадан тиш оғриғи, оғиз қақраши, милк яллиғланишида фойдаланилади. Ўсимлик қайнатмасига қанд қўшиб тайёрланган қиём қуёнчиққа, унинг шираси эса шақиқа (мигрень) ва сариқ касалига даво ҳисобланади. Ялпиз ташқи муолажаларда ҳам кенг қўлланилади: гиёҳ шарбати қўтирни даволашда ижобий натижа беради, балғам кўчишини яхшилаб, нафас йўллари касалликларининг олдини олади.

Замонавий доришуносликда ялпизнинг эфир мойлари валидол, карвалол, олеметин, энатин, анестезол, Зеленин томчиси, Трасков эритмаси каби дорилар таркибига қўшилади.

Айни шу кунларда, яъни “илигузилди” палласида ялпизли таомлардан кўпроқ истеъмол қилиш толиққан аъзоларга куч-қувват бағишлаб, саломатликни мустаҳкамлайди.

**Доно ХЎЖАЕВА,**
**олий тоифали доришунос.**

**Бугуннинг гапи**

**Юртимизда манзарали дарахтлар бисёр. Улар орасида япон софораси алоҳида қимматга эга. У 25-30 метргача ўсади. Шохлари ёйилиб, ажойиб манзара ҳосил қилади. Уникидек қалин шохлару нақшсимон тўқ яшил баргларни бошқа дарахтларда учратмайсиз. Қиш пайтларидаям яшиллигини йўқотмаслиги эса табиатнинг ноёб мўъжизасидир.**

# Мафтункор дарахт сеҳри

— Япон софораси табобатда ҳам жуда қадрланади, — дейди олий тоифали шифокор Козимжон Қосимов. — Сабаби, унинг гул ғунчаларидан фармацевтика саноатида рутин, аскорбин кислотаси олинади. Меваси қон босимини пасайтиришда қўл келади. Ошқозон яллиғланиши, ўн икки бармоқли ичак касаллиги, ички аъзолардан қон кетиши, дизентерия, стенокардия ва бошқа хасталиклар ундан тайёрланган дориворлар олдида ожизланиб қолади. Софоранинг қайнатмаси эса антисептик хусусиятга эга.

— Япон софорасининг иқлимимизга мослашуви қандай? — дея Андижон давлат ўрмон хўжалиги раҳбари Абдуманноб Холматовдан сўраймиз.

— Тупроқ танламайди, шўрхок ерларда ҳам гуркураб кўкараверади. Газ, тутун, қурғоқчиликка чидамли. Иссиқсевар бўлгани билан 25 даражали совуқда ҳам нобуд бўлмайди. Шу жиҳатлари боис республикамиз тупроқ шароитига тезда мослашиб кетди, — дейди у. — Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 7 сентябрдаги “Япон софораси ва сохта каштан дарахти кўчатларини экишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эълон қилинганидан сўнг дарахтлар маликасини парваришлаш кўлами янада кенгайди. Биргина ўтган йилнинг ўзида шаҳарлар, туманлар марказлари, қишлоқлар, корхона ва ташкилотлар бинолари майдонларига 50,7 минг туп софора ҳамда 19 минг тупдан зиёд каштан кўчати ўтқазилди.

Каштан ҳам ўзининг гўзал тароватн билан азалдан халқимизни мафтун этиб келади. У, айниқса, гулга кирган чоғида чунонам ажиб манзара кашф этадики, худди ёниб турган саноқсиз шамларни эслатади. Лекин мутахассисларнинг айтишича, каштан — инжиқ дарахт. Софорага ўхшаб шароитга мослашиб кетавермайди. Хусусан, шўрхок ерга тоби йўқ. Парвариш жойида бўлса, 200 — 300 йил ўсади.

— Каштан дориворлиги жиҳатидан софорадан асло қолишмайди, — дея сўзида давом этади К. Қосимов. — Уруғи, пўстлоғи, барги, гуллари кўплаб хасталикларга малҳам. Шу боис вилоятимизда доривор ва манзарали бўлган бу дарахтларни кўпайтиришга эътибор кучли. Жорий йил кўкламида 20 минг туп каштан, 75 минг туп софора кўчати ўтқазилади. Ниҳоллар “Андижон”, “Тошохур” ўрмон хўжаликлари, Избоскандаги Мансуров номли, “Ойим” кўчатчилик-ишлаб чиқариш участкаларида етарли миқдорда тайёрлангани экинтикин ишларини ўз муддатида бажариш имконини беради, албатта.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# ОНАЖОНИМ — ТАБИАТ

**Олот тумани марказидан 35 километр жанубда, Зарафшон дарёсининг қуйи қисмида катта тектоник ботиқликнинг энг чуқур қисмини эгаллаган Денгизкўл кўп минг йиллик тарихга эга. Мазкур сув ҳавзаси ўзига хос табиати билан, айниқса, мутахассислар эътиборини тортиб келмоқда. Унинг шимоли-шарқий қирғоқлари баланд қоялардан, қирғоқ бўйлари тошлоқлардан иборат бўлиб, флораси сийрак. Жануби-ғарбий ва жануби-шарқий ҳудудларини эса қумликлар эгаллаган. Улар саксовул, черкез, юлғун, шувоқ, янтоқ каби саҳро ўсимликлари билан қопланган. Кўл бўйларида ёввойи терак, тол, жийда, қамиш сингари ўсимликлардан бутун бошли чакалакзорлар вужудга келган.**

# Денгизкўл бағридаги хазина

Кўл атрофларида тўнғиз, тулки, тўқай мушуги, эчкиэмар ҳамда кемирувчилар ва судралиб юрувчиларнинг кўплаб турлари учрайди. Денгизкўл ихтиофаунаси эса Амударё ва Зарафшон дарёларида учрайдиган балиқ турлари ҳисобидан шаклланган.

Денгизкўл пайдо бўлганидан буён турли-туман қушларнинг кўпайиши учун ҳам қулай маскан вазифасини ўтаб келмоқда. Унинг ҳудудида “Қизил китоб”га киритилган ноёб қушларнинг йигирмадан ортиқ тури учрайди. Айниқса, пушти сақоқуш, жингалак сақоқуш, қорабузов, қошиқбурун, қийқирдон оққуш, оқ пешонали кичик ғоз, сув қийғири, оқ думли суббурут, қиронқора, Зарафшон қирғовули, йўрғатувалоқ каби қушлар табиатнинг бу сўлим гўшаси бағридан қўним топиб, кўпайиб келмоқда.

Мутахассисларнинг илмий-амалий кузатувларига кўра, мамлакатимиз сув ҳавзаларида қишлайдиган қушларнинг 40 фоизидан ортиқроғи Денгизкўл ҳиссасига тўғри келади. Бу мазкур кўлнинг ўзига хос ва такрорланмас табиий сир-синоатларидан дарак беради. Айнан шу жиҳатлар инобатга олинган ҳолда, Денгизкўл халқаро Рамсар конвенцияси рўйхатига киритилган. Халқаро аҳамиятга эга, сувда сузувчи қушларнинг яшаш жойлари бўлган сувботқоқли жойлар тўғрисидаги бу конвенция юртимизнинг яна бир сўлим гўшаси табиатини асраб-авайлаш заруратини кун тартибига қўяди, албатта. Зеро, қўмитамиз мутахассислари томонидан ўтказилган мониторинг натижалари таҳлил қилинганида, кўл суви таркибидаги минерал тузлар миқдори ошгани аниқланди. Ҳозирги пайтда кўлга оқизилаётган сув миқдорининг сониясига 10-15 кубометр оширилиши эвазига ҳавзанинг жануби-шарқий қисмларида шўрланиш даражасини 8-10 гр/литргача камайтиришга эришилди. Кўлга оқизилаётган сув миқдорини кўпайтириш ва биомелиоратив ишларни сифатли амалга ошириш орқали шўрланиш даражасини янада пасайтириш мумкин.

**Тилсим**

Демак, халқаро аҳамиятга эга Денгизкўлни асраб-авайлаш, ҳар томонлама муҳофаза қилиш келажак авлод олдидаги бурчимиздир.

**Ш. ПАРДАЕВ,**
**Бухоро вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг аналитик назорат инспекцияси бошлиғи, биология фанлари номзоди.**

*Дунёдаги энг кекса дарахтни биласизми? Бугунга қадар Шимолий Америка ҳудудида ўсувчи қайинга шундай нисбат берилар эди. Чунки унинг ёши 5000 йилга тенг. Биологлар Швециянинг Даларна водийсидаги арча устида тадқиқот олиб боргач, бу хулоса янглиш эканлигини маълум қилишди. Гап шундаки, Фулу тоғидаги ушбу дарахт 9550 йилдан буён гуркураб ўсмоқда. Демак, сайёрамиздаги энг кекса дарахт — Швеция арчаси.*

**Яқинда АҚШ биологлари Шимолий Американинг энг қадимий қишлоқ хўжалиги экинини аниқлашга муваффақ бўлишди. Бу оддий қовоқ экан. Мазкур қовоқ уруғининг ёши 10 минг йилга тенг.**

*Дунёдаги энг тоза дарё ҳам аниқланган. Бу сифат Марий дарёсига қуйилувчи Вонча дарёсига тааллуқли. Ундан кейинги ўринда Илет дарёсига қуйиладиган Уба туради.*

**Энг, энг, энг...**

***Айни пайтда олимлар “Энг узун дарё қайси?” деган саволга жавоб изламоқда. Бу мунозара дунёдаги энг узун дарё ҳисобланган Нилнинг Асувон қисмида сув омбори қурилгандан сўнг бошланди. Чунки мазкур сув иншооти дарёнинг анча қисқаришига олиб келди. Натижада бу мақом Амазонкага тегишли деб қаралмоқда. Аммо Шимолий Америкадаги дарёнинг ирмоқлари кўп бўлгани учун, унинг узунлигини аниқлаш мушкул кечмоқда. Агар Пара ирмоғидан ҳисобланса, Амазонканинг узунлиги 6750 км.га тенг.***

# Ҳайвонот боғининг янги «меҳмон»и

*Яқинда Тошкент ҳайвонот боғига 9 турдаги ноёб ҳайвонлар, 16 турдаги денгиз балиқлари, жумладан, акулалар келтирилди. Натижада унинг ҳайвонот олами янада бойиди.*

Тошкент ҳайвонот боғида йўқолиб бораётган, миллий ва халқаро “Қизил китоб”га киритилган кўплаб турдаги ҳайвонлар сақланади. Бу ерда жониворлар учун табиий муҳитга яқин шароит яратилгани туфайли уларни кўпайтириш устида олиб борилаётган илмий тажрибалар муваффақиятли якунланмоқда. Бунга Амур йўлбарсидан насл олинаётгани мисол бўла олади.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, Амур йўлбарслари мушуксимонлар оиласига мансуб энг йиртқич ҳайвондир. Унинг вазни 160-250 килограммгача етади. Шундай бўлса-да, жуда тез — 50 км/соат тезликда югуради.

**Ҳодиса**

Хитой ва Мўғулистон халқи Амур йўлбарсларини алоҳида эъзозлайди. Ушбу ҳайвонларнинг бош қисмидаги белгилар қадимги иероглифлар бўйича «султон» деган маънони англатгани боис уларга сиғинишади ҳам.

Мамлакатимизга йўлбарсларнинг бу тури 2005 йилда келтирилган эди. Эътиборлиси, улар нафақат юртимиз шароитига тезда мослашди, балки дунё ҳайвонот боғлари ичида илк бор Тошкент ҳайвонот боғида болалай бошлади.

Гап шундаки, ҳозирги кунда боғда парваришланаётган 8 бош йўлбарсдан ҳар йили 3-4 тадан насл олинаяпти. Бу ҳол дунё олимларининг Тошкент ҳайвонот боғига бўлган қизиқишини оширди. Натижада жаҳоннинг 30 дан ортиқ мамлакатлари ҳайвонот боғлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Бу боғ фаолиятини янада ривожлантиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Лазиза СУЛТОНОВА.**



**Ҳайрат**

**Узун туманида узоқ йиллар мобайнида кўз шифокори бўлиб ишлаган Ғаффор Содиқовнинг хонадонида бўлганимизда, сувсиз, тупроқсиз ўсаётган гулни кўриб, донг қотдик.**

# Жой танламайдиган гиёҳ

*Меҳмонхонанинг шипига ип билан осиб қўйилган гиёҳ ўзгача гуллаб турган эди.*

*Дарҳақиқат, манбаларда келтирилишича, наботот оламида ноқулай шароитда ўсадиган гиёҳлар ҳам мавжуд. Илмий атамаси “розулария”, бизда гоҳ умриузоқ, темиратки ўт, тиловчи ўт деб юритилади.*

*Одатда, розуляриялар ўлкамиз тоғли ҳудудларининг қоятошлари тирқишларида, қияликларида учрайди. Уларнинг бўйи бир-икки қарич атрофида бўлади. Табиий равишда тошларга қадалиб ўсиб, турфа ранги билан кишини мафтун этади. Қизиғи шундаки, бу гуллар жойидан кўчирилиб, осиб қўйилган даврда ҳам ўсаверади. Чунки унинг семизак банди гиёҳни озуқалар билан таъминлаб туради.*

**Маннон НАБИЕВ.**



**Маълумотларга қараганда, ер юзида қушларнинг салкам 140 тури бутунлай қирилиб кетган. Инсонларнинг бефарқлиги оқибатида яна кўплаб турлар камёблашиб “Қизил китоб”га киритилган. Тоғ ғози, болтаютар, қора лайлак, лочин, қирғовул, тустовуқ... Бу рўйхатни яна давом эттираверишмумкин.**

# Олтин қанот қушлар учсин...

Мабодо, кузатган бўлсангиз, кўккарға ҳам камёб бўлиб қолди. Аслида, бу қуш бошоқли экин зараркунандаларига қирон келтиради: кунига 300-400 граммгача турли ҳашаротлар билан озиқланади...

Какку бир соатда 100 та қурт еса, қизилиштон полапонларига бир кеча-кундузда 300 марта овқат келтиради. Бир жуфт қалдирғоч эса 640 та зарарли ҳашаротни болаларига келтирса, 600 тасини ўзлари баҳам кўради. Умуман, битта қалдирғоч ёз мобайнида бир миллионга яқин ҳашаротни қириб ташлашига қойил қолмай илож йўқ. Шунингдек, япалоққушнинг мингта сичқонни еб, бир тонна ғаллани асраб қолиши ҳам фанда исботланган.

**Ажабо!**

Кўршапалакни “тунги қалдирғоч”, дейишади. Уларнинг емиши ҳам қалдирғочларники сингари пашша, чивин, қўнғиз ва кечаси учадиган зараркунанда ҳашаротлар ҳисобланади. У бир кечада ўрта ҳисобда 500 та зараркунандани даф этади.

Юртимиздаги айрим қушлар тўғрисидаги бу маълумотлар эса денгиздан бир томчи, холос. Демоқчимизки, қушларни ҳимоя қилиш орқали нафақат табиат муҳофазасига, балки қишлоқ хўжалиги ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшган бўламиз.

**Иброҳим ЮСУПОВ.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 203. 64025 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 22.30 1 2 4 5